



САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

ЗДОРОВЬЕ НАРОДА — БОГАТСТВО СТРАНЫ

PEDIATR

№ 7-8 (884-885) 24-Aprrel, Chorshanba 2019-yil	TOSHKENT PEDATRYA TIBBIYOT INSITUTI MENHAT JAMOASI NASHRI ОРГАН ТРУДОВОГО КОЛЛЕКТИВА ТАШКЕНТСКОГО ПЕДИАТРИЧЕСКОГО МЕДИЦИНСКОГО ИНСТИТУТА	Gazeta 1974-yil martdan chiqqa boshlagan
--	--	--

МАЪНАВИЙ САВИЯНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИ

Б.Т. Даминов
ТошПТИ ректори,
халқ депутатлари
Тошкент шаҳар кенгаши
депутати

Маълумки, жорий йилнинг 19 март куни ўтказилган йиғилишда Мухтарам Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётда янги даврга қадам қўйганини англатади.

Президентимиз бошлаган улкан ислохот жараёнидаги энг зарур ишлар амалга оширилди. Бу халқ билан мулоқот, мавжуд муаммо ва камчиликларнинг сарҳисоби, янги Ўзбекистонни яратиш ғояси атрофида бирлашмоқ — мавжуд ислохотларнинг биринчи босқичи, сирасини айтганда, асоси экан. Мазкур йўналишдаги ишлар тизимли йўлга қўйилгандан сўнг юртимиз аҳолисининг маданий савиясини тубдан юксалтирадиган тизим жорий этилмоқда. Ушбу муҳим ташаббуслар нималардан иборат? Бу ташаббуслар матбуотда кенг ёритилган.

Албатта, ушбу муҳим йўналишлар бўйича институтимизда ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ёшларни мусиқа, рассомлик театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини ошириш, ўз қобилиятларини намоён қилишлари учун институтда 12 та ижодий тўғарак фаолият юритади. Жумладан, ҳар бир факультетда «Талабалар театр студиялари», «Тафаккур синовлари», «Қувноқлар ва зукколар» жамоалари ташкил этилган. Шунингдек, адабиёт ва санъат йўналишига қизиқиши бўлган талабаларнинг «Нишона» (20 нафар), «Юзма-юз» мулоқот клуби

(16 нафар) фаолият юритмоқда. Талабаларнинг шеърлари, ҳикоялари ва публицистик асарлари чоп этилган тўпламлари «Меҳрибонлик уйлари»-га совға қилинади. Талабаларнинг асарлари асосида спектакллар сахналаштирилади.

Ёшларни жисмоний чиниктириш, спорт билан шуғуланишлари учун зарур шароитлар яратиш бўйича спорт мажмуасида 9 та спорт секциялари (мини-футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси, шахмат, миллий кураш, аэробика, шейпинг, соғломлаштирувчи гуруҳларда тренажёр, бадий гимнастика) фаолияти йўлга қўйилган ва барча шарт-шароитлар яратилган. Қизиқишларига қараб талабаларнинг асосий қисми ушбу секцияларга жалб этилган.

Ҳар йили апрель-май ойларида «Талабалар баҳори» фестивали доирасида спортнинг 5 та тури бўйича «Саломатлик спартакиадаси» мусобақалари ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан ҳафтанинг ҳар шанба кунинида ўтказиладиган оммавий спорт тадбирларида институтдан 100 нафардан ортиқ талабалар мураббийлари билан биргаликда иштирок этиб келмоқда.

Аҳоли ва ёшларнинг компьютер технологиялари ҳамда интернетдан фойдаланиш кўникмаларини ошириш мақсадида март-апрель ойлари давомида талаба-ёшларнинг интернет тармоғидан фойдаланиш ва ахборотнинг ҳаққонийлик даражасини ажрата олиш маданиятини шакллантиришга қаратилган факультетлар ва гуруҳлар кесимида кўплаб учрашув-мулоқотлар, давра суҳбатлари ва тақдимотлар ўтказилди.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича ёшлар

маънавиятини юксалтириш, ватанпарварлик, мафқуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий билим ва маданиятни юксалтириш ҳамда соғлом турмуш тарзига оид кўплаб учрашув-мулоқотлар ташкил этилди.

Март-апрель ойлари давомида наشريётлар билан ҳамкорликда бир неча китоб ярмаркаси ўтказилди. Ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш мақсадида «Зукко китобхон» танлови ўтказилди.

«Мураббийлик ва ахборот соатлари»да бадий асарлар мазмуни бўйича суҳбатлар ташкил этилмоқда.

ОЎМТВ хузуридаги «Маънавият ва маърифат» марказида янги ташкил этилган «Талабалар медиа ижтимоий маданий маскани»да «Book safe» фаолияти йўлга қўйилаётганлиги муносабати билан, «Талабага 100 та китоб» мавзусида ташкил этилган китоб акциясида 2019 йил 29 апрель куни институт номидан 100 дона китоблар жамланмаси тақдим этилди.

Хотин-қизларни иш билан таъминлаш учун қўшимча имкониятлар яратиш, янги спорт турлари бўйича секциялар ташкил этиш ва тажрибали тренерларни жалб этиш, халқаро ва республика тоифасидаги чемпионлар билан ҳамкорликда талабалар ўртасида мастер-класслар ташкил этиш, тарғибот ишларини кучайтириш, шу йўналишларда ютуқларга эришаётган истеъдодли ёшлар билан талабалар ўртасида учрашувлар ташкил этиш ва уларни рағбатлантиришни янада юксалтириш кўзда тутилмоқда.

Ҳаётда спорт, мусиқа ёки санъатнинг бирор бир тури билан шуғулланган ёшлар ҳамиша эзгуликка мойил бўлиб ўсади. Энг муҳими ва асосийси бундай ёшлар ҳеч қачон ёт ғояларга эргашмайди. Улар фақат ўз олдига қўйган мақсад сари интилади.

АМИР ТЕМУР-БУЮК ДАВЛАТ АРБОБИ ВА САРКАРДА

Мамлакатимиз тарихида Амир Темури ва темурийлар даври алоҳида ўрин тутади. Буюк давлат арбоби, лашкарбоши новатор ҳарбий ташкилотчи сифатида Амир Темури ўзининг Марказлашган давлатини барпо этиб, дунё миқёсида сиёсий, ҳарбий, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан етакчи ўринга чиқиб олди. У мамлакатда илм – фан, маданий ва маърифий тараққиётга алоҳида эътибор берди.

Буюк давлат арбоби Амир Темурнинг 2019 йил 9 апрелда 683 йиллик таваллуд айми нишонланди. Унинг мамлакатимиз ва жаҳон халқлари тарихи ва маданиятида тутган ўрни ва ҳиссаси ниҳоятда катта бўлиб, бугунги ёшлар учун ибрат бўладиган қирралари кўпдир Жумладан, унинг бундай саъйи ҳаракатлари бир неча ўн йиллар таназзулда бўлган улкан ҳудудни қоқоқликдан чиқариш, уни тараққиёт босқичига кўтариш осон эмас ҳамда катта куч-ғайрат, маблағ, билим ва оқилона тadbирларни талаб қиларди. Амир Темурдаги табиат инъом этган ноёб ақл-заковат, истеъдод, қобилият ана шу ўринда ҳам қўл келди. У шижоат, матонат, фидойилик билан тиним билмай, куч-ғайратини шу мақсадларга сафарбар этди. Амир Темур асосий қарвон йўллари устидан назорат ўрнатиш, улус қудратини янада ошириш, халқ турмуш тарзини янада ошириш, халқ турмуш тарзини яхшилаш сингари устувор мақсадлар йўлида ўша даврда тенги йўқ ҳарбий кучлар билан Жета, Эрон, Афғонистон, Кавказ Ироқ, Шом, Миср, Дашти Қипчоқ, Шимолий Анадўли, Ҳиндистон каби минтақаларга бир неча бор қўшин тортиб борди, оламшумул зафарлар қучди.

Буюк лашкарбоши новатор ҳарбий ташкилотчи сифатида ўта интизомли армия тузишга,



муҳораба чоғида қўшин қисмларини санъаткорона бошқаришга, жанг тақдири хал бўладиган жойларга ҳарбий кучларни ўз вақтида усталик билан йўллашга, ҳар қандай тўсиқ ва ғовларни тadbиркорлик билан босиб ўтишга, армиядаги жанговар руҳни керакли даражада ушлаб туришга муяссар бўлди.

Амир Темур ҳокимият тепасига келгач, мамлакатда қайта тиклаш ишлари, ободончилик, суғориш тармоқларини таъмирлаш ишларига катта эътибор қаратди. Турли тоифага мансуб мулк соҳибларини бир қўл остида бирлаштирди. Қаттиқ интизом ҳар қандай зодагонни ўз ҳукмдори олдида бош эгишга мажбур қилар эди. Меҳнаткаш халқ, жумладан хунарманд қатламига мансуб кишиларнинг яшаш даражаси анча яхшиланди. Шаҳарларда, маданият марказларида яратувчилик, ободончилик ишлари ниҳоятда кучайиб кетди.

Амир Темурнинг улкан марказлашган давлатда осойишталикни ўрнатиш, иқтисодиёт ва савдо-сотик соҳасида олиб борган сиёсати, мамлакатдаги шаҳарларни ободонлаштириш, илм-маърифат, хунар ва касб эгалари кадрини кўтариш натижасида маданият тараққиёти юксак поғонага кўтарилди. Бу даврда маданий ҳаётнинг қучайиш даражаси IX – XII асрлар орасидаги илк мусулмон ренес-

сансидан қолишмайди. Бунда, илм-фан, адабиёт ва санъат, хунармандлик ва меъморчилик раванқ топди. Темур мамлакатининг иқтисодий қудратини оширишга ҳаракат қилди.

Амир Темур тарихда ўз даврининг моҳир дипломати сифатида чуқур из қолдирган. У ўз мақсадларига эришишда дипломатиянинг тинч йўли билан ҳарбий тadbирларни моҳирона қўшиб олиб борган. Хитой олимларининг тadbиротларига кўра, Амир Темур Мин хонлигининг пойтахти Пекин (Хонбалик) шаҳрига 8 марта элчилар юбориб, Хитой билан дипломатик ва савдо алоқаларини ривожлантирган.

Хулоса қилиб айтганда, Амир Темур ўз даврининг моҳир давлат арбоби ва лашкарбоши сифатида ўзининг марказлашган давлатини қура олди. У ўз олдида қўйган мақсади-мамлакатда мўғуллар ҳукмронлигини парчалаб, ўз давлатини улардан озод қилиб, давлат марказлашувига эришди. У мамлакатда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишга эришди.

М.Ж. Қаримова
ТошПТИ

«Ўзбекистонда Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедраси катта ўқитувчиси, т.ф.н.,
М.М. Алимова катта ўқитувчи

ЁШЛАР- ЮРТ ИСТИҚБОЛИНИ ЯРАТУВЧИЛАР

23 апрель куни институтимизда Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармонининг мазмун-моҳиятини тарғиб этиш бўйича тадбир ўтказилди.

Уни Тошкент Педиатрия тиббиёт институти ёшлар билан ишлаш бўйича проректор М. Аҳмедова бошлаб берди ва ўз сўзида Республикаимизда ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолияти ҳозирги кундаги долзарблиги ҳақида тўхталди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси касбий тайёргарлик факультети ҳуқуқий фанлар цикли катта ўқитувчиси, подполковник ю.ф.н., доцент У.Э.Фозилов ташриф буюрганлигини айтиб, сўз навбатини унга берди.

У.Э. Фозилов мамлакатимизда ёш авлод тарбияси, уларнинг жисмонан ва ақлан соғлом бўлишига алоҳида эътибор қаратиб келинаётганини таъкидлади. Юртимизда мустақиллигимизнинг илк йилларидан соғлом авлод тарбиясини энг устувор вазифа деб белгиланиб, баркамол авлоднинг тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган эди. 2017 йилнинг 5 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.М. Мирзиёевнинг «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Президент фармони имзоланди.

Ушбу фармонга биноан мамлакатимизда мустақиллик йилларида ёшларни маънавий етук ва жисмонан соғлом, ватанпарвар ва фидойи этиб тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг қўллаб-қувватлаш амалга оширилганлиги қайд этилди. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ташкил топган кун – 2017 йил 30 июнь санаси мамлакатимизда «Ёшлар куни» сифатида нишонланади.

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси доирасидаги ислохотларда ёшлар фаолигини ошириш билан боғлиқ бир қатор янги ва муҳим вазифалар қўйилди. Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи ваколатли идоралар фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ташкил этиш натижаси бўйича таъсирчан чоралар кўриш мақсадида Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг ҳуқуқий ва амалий ваколатлари кенгайтирилди, тегишли имконият ва имтиёзлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини девонида Ёшлар сиёсати масалалари хизмати ташкил этилиб, унга Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси - Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси раҳбарлик қилиши белгиланди.

Ёшлар сиёсати масалалари хизмати Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши фаолиятини самарали ташкил этиш, Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонунда белгиланган вазифаларнинг тўлақонли ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат ноижора ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг бу борадаги фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш, уларга ғоявий-услубий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш, соҳага оид қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш каби вазифаларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси - Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси ўз лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан тайинланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашига оқлатилган вазифаларни амалга оширишда яқиндан қўмақлашиш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи ваколатли идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш, Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонуни талабларини ҳаётга тўлақонли жорий этиш ва назорат ўрнатиш мақсадида Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаши ташкил этилди.

Буюк давлат арбоби соҳибқирон Амир Темурунинг Ватанга садоқат, эл-юртни ардоқлаш, мардлик, фидойилик ва адолатпарварлик каби юксак фазилатлари ёш авлод учун ўрнак бўлиб хизмат қилишини инобатга олиб, республиканинг барча ҳарбий академик лицейларига «Темурбеклар мактаби» номи берилди.

Ёшларнинг илмий ва ижодий фаолият натижаларини, илм-фан ва адабиётга бўлган кизиқишларини ҳамда ёшлар сиёсатида оид муҳим янгиларни кенг ёритиш мақсадида Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг нашрларини чоп этишга ихтисослашган «Ёшлар нашриёти уйи» ташкил этилди. Қиз-

ларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, истеъдод ва қобилиятини юзага чиқариш, улар орасида ҳақиқий етакчиларни тарбиялаш ишларини янада кучайтириш мақсадида «Қизларжон» журнали таъсис этилди.

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар кенгашлари раислари тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси ҳисобланади ва мақоми бўйича уларнинг биринчи ўринбосарларига тенглаштирилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиғининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари - ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлиммаси) бошлиғи Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси тавсияси асосида белгиланган тартибда лавозимга тайинланишларини айтиб ўтди.

Йиғилишда шунингдек институт маънавият – маърифат бўлими бошлиғи А.Худайбердиев сўзлади. У мазкур фармонга кўра «Мен севиб ўқиган китоб» ва «Энг яхши китобхон» Республика танловлари, «Китоб байрами» ва «Болалар китоблари» анъанавий Республика фестиваллари, Ватанга муҳаббат ва унинг тақдирга дахлдорлик ҳиссини қарор топтиришга қаратилган акциялар, ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар, адабиётшунос олимлар билан ижодий учрашувлар ва мастер-класслар тизими ташкил этилиши белгиланганлигини айтиб ўтди. Ватанимизда турли соҳа ва тармоқларда юксак натижа ва ютуқларга эришган йигитларни тақдирлаш мақсадида «Мард ўғлон» Давлат мукофоти, шунингдек, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, ўқиш, меҳнат ва жамоат ишларида ҳар томонлама фаол иштирок этаётган ёшларни тақдирлаш мақсадида «Келажак бунёдкори» медали таъсис этилди.

Тадбир якунида Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда тайёрланган «Ажалга элтувчи йўллар» номли махсус видеофильм намойиш этилди.

*М.Аҳмедова
Тошкент Педиатрия тиббиёт
институти Ёшлар билан ишлаш
бўйича проректори*

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРАФДОРИ

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти кичик мажлислар залида 6 апрель куни «Ёшлар соғлом турмуш тарзи тарафдори» мавзусида тадбир ўтказилди. Тадбирда Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи А.Қ. Худайбердиев бошлаб берди ва тадбир иштирокчиларини тақлиф этилган меҳмон-мутахассислар билан таништирди.

Сўзга чиққан Юнусобод тумани прокурор ёрдамчиси А.Д. Исмоилов ёшларни жисмонан, маънан ва ақлан соғлом ўсишини таъминлаш, уларга тадбиркорлик, ишчанлик, мустақил фикр юритиш қобилиятини сингдириш, ҳар бир ёшни ўз Ватанига меҳр-мухаббат, садоқат, фидокорлик руҳида тарбиялаш ва ўз юрти тарихини, урф-одатларини ўргатиш устозлар зиммасидаги асосий вазифалардан бири эканлигини таъкидлади. Ўқувчиларни янги техника, технология ва фан ютуқларини, чет тилларини ўзлаштириш, ижодкорлик салоҳиятини ўстириш руҳида тарбиялаш зарурлиги ҳақида гапирди.

Давлат ва жамият бошқарувида ҳам, бизнесни тараққий эттиришда ҳам, умуман, барча соҳа ривожига салоҳиятли ёшлар муҳим ўрин тутди. Сабаби улар жамият учун «янги қон» вазифасини ўтайди. Янгидан-янги ташаббус-ғояларни илгари суриш, замонавий иш юритиш услубларини жорий қилишда ана шу қатламнинг нуқтаи назари ва саъй-ҳаракатлари алоҳида аҳамият касб этади.

Шу боис бугунги кунда юртимизда замонавий билим ва кўникмаларга эга, мамлакатнинг муносиб келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига ола биладиган, интилувчан ва серғайрат ёшларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2018 йил 27 июнь санаси юртимиз ёшлари ҳаётида янги саҳифа очилган кун сифатида тарихга муҳрланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан «Ёшлар – келажагимиз» Давлат дастури тасдиқланди. Мазкур ҳужжатнинг муҳимлиги шундаки, у жойларда ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, ёш тадбиркорларнинг истиқболли ғоялари ва лойиҳаларини рўёбга чиқариш, шунингдек, шу асосда ёшлар бандлигини таъминлашга тўсқинлик қилаётган тизимли муаммоларни бартараф этишга йўналтирилган.

Ёшлар иттифоқи Юнусобод тумани кенгаши бош мутахассиси О. Деҳқонов. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Кенгаши томонидан ёшларимиз орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни жамиятда ўз ўрнини топиш, мустақил бизнес режасини амалга ошириш ҳамда иқтидор ва истеъдодларини намойиш қилиш бўйича амалий ёрдам бериб келинаётганлиги ҳақида сўзлади.

Режалаштирилган ва бўлиб ўтган барча тадбирлар, лойиҳалар, танловлар бўйича амалга оширилаётган ишлар маҳаллий матбуотда кенг ёритилиб борилмоқда. Эртанги кун, келажагимиз эгалари ёшлардир. Улар тўғри йўлдан боришлари эса давлатимиз келажагининг кафолатидир.

Тадбир қизғин баҳс-мунозара тарзида ўтиб, талаба-ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоблар олишди.

А. Худайбердиев.

ЎЗБЕКИСТОНЛИК БЎЛАЖАК ШИФОКОРЛАР ХАЛҚАРО МИНБАРЛАРДА

Мустақил Ўзбекистон ёшлари йилдан-йилга юртимизнинг шаънини халқро анжуманларда ҳимоялаб келмоқда. Хусусан, тиббиёт соҳасида таҳсил олаётган бўлғуси шифокорларимиз турли халқро анжуманларда қатнашиб, ўзларининг чуқур илмий тадқиқотлари ва уларнинг натижалари билан юртимизда инсон саломатлигига бўлган юксак эътиборни бутун дунёга кўрсатмоқдалар. 2019 йилнинг март ойида, Тошкент Педиатрия тиббиёт институти талабалари Қозоғистон Республикаси Туркистон шаҳридаги Хўжа Аҳмад Яссавий номидаги халқро козоқ-турк университетида «Замонавий тиббиёт: анъаналар ва инновациялар» номи II Халқро илмий-амалий анжуманда ўзларининг илмий тадқиқот ишларини жаҳон тиббиёти илми аҳлига намойиш қилишди. Мамлакатимизнинг ёш шифокорлари ўз илмий мақолаларида кўтарган муаммолари, уларнинг долзарблиги ва замонавий тиббиёт учун муҳим аҳамият касб этганлиги билан анжуман ҳакамлар хайъатининг юксак баҳо-ларига сазовор бўлди.

Мамлакатимиз номидан қатнашган Тошкент Педиатрия тиббиёт институтининг талабалари анжуман доирасида ўтказилган «Энг яхши илмий иш» танловида энг юқори натижаларни кўрсатишга муваффақ бўлишди. Ҳакамлар хайъатининг қарори билан Тошкент Педиатрия тиббиёт институтининг биринчи босқич талабаси Муҳаммадjon Норов - биринчи, Ҳасан Авазов - иккинчи, Шоҳруҳ Иброҳимов эса учинчи даражали дипломи қўлга киритдилар.



Таъкидлаш жоизки, анжуманда ўзларининг мукамал илмий ишларини тақдим қилган қатнашчилар, айниқса, фахрий ўринларни қўлга киритган ўзбекистонлик ёшларимиз учун алоҳида тренинг ва «мастер-класс»лар ўтказилди. Талабаларимиз анжумандан ёрқин таассуротлар билан қайтиб келишди ва у ерда олган билимлари ва тажрибаларини илмий раҳбарлари ва устозлари билан муҳокама қилишди.

*Шоҳруҳ Иброҳимов
II Педиатрия факультетининг
109-гуруҳ талабаси.*

УСТОЗНИ ЭСЛАБ

Устозимиз Ҳақимов Пўлат Адиллович 1936 йили Тошкент вилояти Паркент тумани Заркент қишлоғида деҳқон оила-сида туғилганлар. 1954 йили мактабни тугатиб, шу йили Тошкент Давлат педагогика ин-ститутига 1-курсга қабул қили-надилар.

Ҳақимов Пўлат Адиллович Тошкент Давлат педагогика ин-ституту физика-математика фа-культетини 1959 йилда битириб, ўз иш фаолиятини ЎзРФАни «Ядро физикаси» институтида катта лаборантликдан бошлади-лар. 1964-1968 йилларда ЎзРФА қошидаги «Биофизика» инсти-тутида аспирант, Москва Био-физика институтида тадқиқотчи бўлиб ишлайдилар.

Улар 32 ёшда «Эрлихнинг асцит раки хужайраларига гам-ма нурлари ва радиотоксинлар-нинг таъсирини қиёсий ўрга-ниш» мавзусидаги номзодлик диссертацияларини, 43 ёшла-рида «Роль некоторых органов эндокринной системы в стиму-лирующем эффекте малых доз облучения на рост и развитие куриных эмбрионов» мавзусида докторлик диссертациясини му-ваффақиятли ёқлайдилар.

1980-1992 йилларда ТошПТИ (СамПИ) Тиббий ва биологик физика кафедрасида мудир бў-либ фаолият олиб борадилар.

П.А. Ҳақимов кўп йиллар мобойнида Тиббий ва биоло-гик физика кафедрасини бош-қарганлар. Профессор П.А. Ҳақимов кафедранинг ўқув-ус-лубий ишларига жуда катта аҳамият беради. Ўқиш сифати кўтарилди, талабаларнинг да-вомати яхшиланади. Айниқса кафедранинг илмий ишига эъ-тибор кучайтирилди.

Устозимиз ҳар доим, олий таълим муассасасида ишлаган-дан кейин албатта илмий иш билан шуғулланиш шарт, деб таъкидлар эдилар. Пўлат Оди-лович раҳбарлигида кафедра-да «Координацион комплексли биолигандли микроэлементлар тузилмасининг синтези ва улар-нинг радиопротекторлик, даво-лаш хоссаларини ҳамда тирик организм ва тўқималарга таъси-рини ўрганиш» мавзуси бўйича илмий ишлар олиб борилди.

Профессор Пўлат Адиллович Ҳақимов ўзининг илмий макта-бини яратиб кетдилар. Бу мав-зу бўйича профессор Акбаров Абдурафик Бахрамович; фан номзоди Муталибов Абдуғаф-фор Салихович; фан номзоди Алиев Убайдулла Эркинович; фан номзоди Пармонов Муха-меджон Колубаевич; Юлдош Нугманович Исломов, Рустам Камолович Сиддиқов, Мухид-дин Нуриддинович Исломов, Мазлума Муратовна Каримова ва бошқа ходимлар ўз илмий ишларини олиб бордилар.

Биология фанлари доктори, профессор Пўлат Адиллович Ҳақимов 8 та фан номзоди ва 2 та докторлик илмий ишларига раҳбарлик қилганлар. Шунинг-дек 175 та илмий мақола. 2 та монография, 18 та авторлик гу-воҳномаси ва 10 дан ортиқ та-лабалар учун ўзбек ва рус тил-ларида ўқув-услубий қўлланма муаллифи. П.А. Ҳақимов на-фақат буюк олим, балки мохир педагог ҳам эдилар.

Барча кафедра ходимлари ўзининг педагогик маҳора-тини П.А. Ҳақимов тарбияси асосида шакллантириб кел-ди. Устозимизнинг ўзига хос фазилатларидан бири амалий



машғулотларда, маърузаларда фильмлар намойиш қилишни анъанага айлантирган эдилар.

Ҳақимов Пўлат Адиллович институт жамоат ишларида ҳам фаол қатнашиб келганлар, улар институт ходимлари касаба уюшмасининг раиси ва бошқа лавозимларда ишлаганлар.

Устозимиз П.А. Ҳақимов талабаларга нисбатан меҳри-бон, софдил ва ҳақиқатгўйлик билан ёндошардилар ва буни бизлардан ҳам талаб қиларди-лар. Дарс ўтганда талабаларга адолатли, талабчанлик, кези келганда меҳрибонлик билан қарашимиз кераклигини уқти-рар эдилар. Ҳамма ҳам педагог бўлавермайди, виждони тоза, ҳалол, меҳрибон ва ўз соҳаси-нинг билимдони бўлган инсон-гина педагог номига ҳақли, деб қайта-қайта такрорлар эдилар. Уларнинг фарзандлари тибби-ёт соҳасини эгаллаб, ўзлари ишлаган олийгоҳда маҳоратли педагог сифатида ота касбини давом эттирмакда

Профессор Пўлат Адиллович Ҳақимовнинг ёрқин хотираси хамиша ёдимизда.

Ю.Н. Исломов
Биофизика, тиббий
информатика
кафедраси доценти

МУСОҲАБА ЭТАДИ ДАВОМ . . .

ШАМСИЕВ АБДУЛЛА ЯКУБДЖАНОВИЧ

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти Суд тиббиёти ва тиббиёт ҳуқуқи кафедраси таянч докторантура 2 - босқич изланувчисига анъанавий саволларимиз билан мурожаат қилдик.



1. Илмга қизиқишингиз нимадан бошланган?
2. Мавзуингизни аҳамияти нимадан иборат?
3. Диссертация ишингизнинг янгилиги нимада?
4. Диссертация ишингизнинг инновацион янгилиги ҳақида сўзлаб беринг.

1. Менинг илмга қизиқшим олий таълим муассасасига илк ўқишга қабул қилинган вақтимдан бошлаб ортиб борган. Дастлабки илк мақолаларим талабаликнинг илк босқичларидан бошлаб илмий-амалий конференцияларда чоп этила бошлаган. Аниқ мақсадим эса 4-босқичда Суд тиббиёти кафедрасига борган вақтимдан бошланган. Яъни ушбу кафедрада ҳурматли устозимиз т.ф.д., профессор Алишер Искандаров бошчиликларида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар менда катта қизиқиш уйғотди. Бу ерда мен ҳам устозларим кўмагида бир неча илмий тадқиқот ишларида бевосита иштирок этиб, ўз билимларимни янада ошириб бордим. Олийгоҳни тамомлаганимдан сўнг мени илмга бўлган қизиқиш ушбу кафедра томон чорлади ва мен Суд тиббиёти кафедрасида 2014 йил магистратура босқичида ўқишимни давом эттирдим. 2016 йил магистратурани тамомлагач, ушбу кафедрага ишга қабул қилиндим ва устозим маслаҳатларига амал қилган ҳолда ўз устимда мунтазам ишлашни ва илм олишни канда қилмадим. Менинг илм соҳасидаги қизиқишларим Суд тиббиёти учун янги ноанъанавий усул саналган дерматоглифика усули устида бўлди. Устозларим кўмагида ушбу йўналишда кўплаб илмий мақолалар ва тезислар чоп этиришга муваффақ бўлдим. 2017-йил 16 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг илм соҳаси учун жуда муҳим бўлган «Олий ўқув юртидан кейинги таълимни яна-

да такомиллаштириш тўғрисида» Фармони имзоланди. Шундан сўнг, мен бу Фармондан янада руҳланган ҳолда таянч докторантурага ҳужжат топширишга аҳд қилдим. 2018 йил январь ойдан буён ТошПТИ таянч докторантурасида тахсил олмоқдан ва ўз илмий ишимга янада кўпроқ вақт ва эътибор қаратишимга имкон яратилди.

2. Илмий ишим тиббиётнинг, айниқса, суд тиббиётининг ҳозирда энг долзарб ва ижтимоий аҳамиятли бўлган Суд тиббиёти дерматоглификаси соҳаси ҳисобланади. Илмий ишимнинг мавзуси эса «Ўз жонига қасд қилиш ва гиёҳвандликка мойилликни ҳамда шахсни идентификациялашда дерматоглифик маркерларни эксперт баҳолаш». Илмий раҳбарим эса т.ф.д. Ш.И. Рўзиев ҳисобланади. Устозим ҳозирда бизнинг мамлакатда жуда долзарб ҳисобланган ушбу муаммо бўйича изланиш олиб боришни айнан менга таклиф қилгани, бўлган маъсулиятимни янада бир бор оширди. Илмий ишимнинг аҳамияти шундан иборатки, ҳозирда республикада муаммо сифатида кўтарилаётган ўз жонига қасд қилиш ҳолатларини эрта ташхислаш ва уларга мойилликни аниқлашдир. Ушбу мавзунини танлашимизга асосий сабаб 2017 йил 30 июнь куни Мухтарам Президентимиз Ш. Мирзиёев томонларидан бир қатор фаол ёшлар билан учрашув чоғида ёшлар ўртасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари муаммо сифатида кўтарилганда, устозим ушбу муаммога ечим сифатида ушбу муаммога ечим сифатида эрта

ташхислаш ва уларга мойилликни аниқлашни таклиф этганликлари ва Мухтарам Президентимиз томонларидан ушбу таклиф қўллаб-қувватланганлиги сабаб бўлди.

3. Суд тиббиёти амалиётида илк бор инсонларнинг қафт-бармоқ андозалари асосида ўз жонига қасд қилишни эрта ташхислаш ва уларга мойилликни аниқлашнинг суд тиббий мезонлари биз ишлаб чиққан замонавий дастур асосида амалга оширилади ишимизнинг. Ишимизнинг муҳимлиги шундан иборатки, ушбу соҳада нафақат республикада, балки Ўрта Осиё мамлакатлари орасида ҳам илк бора амалга оширилаётганлигидадир. Биз ушбу ишни амалга ошириш жараёнида бир қатор илғор хорижий давлатларнинг иш тажрибаларини ўрганишга муваффақ бўлдик, яъни Россия Федерациясининг Екатеринбург шаҳрида мавжуд бўлган Дерматоглифика илмий текшириш институтида маляка ошириб қайтдик.

4. Ҳозирда юртимизда инновацион технологияларга катта аҳамият берилиб, жадал ривожланаётган пайтда, ўтказилаётган илмий тадқиқотларда ҳам инновация муҳим ўрин тутиши лозим. Менинг илмий ишимда ўз жонига қасд қилиш ҳолатларини суд тиббий баҳолаш ва аниқ ташхислаш мақсадида ўзимиз томонимиздан ишлаб чиқилган замонавий «Қафт бармоқ нақшларини бўёкли ва бўёксиз усулда» баҳоланади. Бизнинг ушбу усулларимизга Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал Мулк агентлигидан махсус патент олинди.

ДА МИ ИЗ ЮЖНОЙ КОРЕИ

Как известно, в вузах нашей страны учатся много иностранных студентов. Они из ближнего и дальнего зарубежья. В нашем институте тоже немало таких студентов. Одна из них Шин Да ми. Она из Южной Кореи. Мы подготовили интервью с ней и хотим представить его вашему вниманию,

- Шин Да ми, добрый день! Почему вы решили получить высшее образование именно в Узбекистане?

- Добрый день! Узбекистан является страной, где я могла бы изучать и медицину, и русский язык. После окончания в средней школы в Алматы, в Казахстане, я хотела продолжить изучение русского языка. Кроме того, с детства я мечтала стать врачом. Мои родители, которые в то время жили в Ташкенте, рекомендовали мне поступить в ТашПМИ, и я подумала, что это хороший шанс для меня.

-А какие национальные традиции и праздники вам нравятся?

-Мне нравится Навруз. Думаю, что это один из самых красивых праздников в Узбекистане. Мне нравится, как семьи и соседи собираются вместе, чтобы отпраздновать начало весны, разделяя вкусную еду. Мне нравится Навруз еще и потому, что это праздник милосердия и доброты.

-В Ташкенте очень большой выбор образовательных учреждений. Почему же Ваш выбор пал именно на Ташкентский Педиатрический институт?

-Я выбрала ТашПМИ потому, что слышала, что здесь обеспечено лучшее образование для будущих педиатров. Я люблю детей и всегда хотела стать педиатром. Учёба в ТашПМИ дала мне возможность одновременно изучать медицину, русский и узбекский языки, чего я не могу делать в других странах.

- Что больше всего нравится вам в нашем институте?

- Прежде всего я ценю доброту людей. Студенты и сотрудники всегда были добры к иностранцу, как я, и были открыты, чтобы помочь мне в любое время. Во-вторых, мне нравится, что в институте есть своя больница, где студенты могут пройти обучение и получить непосредственный опыт работы в больнице с пациентами. Мне также нравится наша библиотека, она очень чистая и современная.

- Нам интересен Ваш рассказ о ваших друзьях?

- Мне очень повезло встретить свою группу 105-ДИ, которая полна веселых, добрых, энергичных и



трудолюбивых молодых людей. Они всегда готовы помочь мне, и с ними интересно проводить время вместе. Я особенно благодарна двоим из них, моим лучшим друзьям. У них такой же вкус, как у меня. Мы часто бываем вместе, обмениваемся забавными шутками и переживаниями. У меня прекрасные друзья.

- А как проходят ваши будни?

- Я очень люблю музыку и ещё не прочь поспать. Читаю, готовлю уроки или смотрю фильмы. По воскресеньям я хожу в церковь с семьей, а потом иду в хороший ресторан, чтобы поесть. Иногда я с мамой выгуливаю моих собак. Вечером я делаю домашнее задание.

- Спасибо большое за интервью

*Интервью подготовила
Мохинур Исмаилова.*

QANDLI DIABET KASALLIGINI JISMONIY TARBIYA ORQALI DAVOLASH

Jismoniy tarbiya orqali qandli diabet kasalligini davolash. Bunda jismoniy tarbiyaning turli xil vositalarini qo'llash, organizmni chiniqtirish lozim. Bizga ma'lumki, qandli diabet kasalligida oyoq, tovon sohasida uzoq yillar davom etgan kasallik natijasida sezilarli o'zgarishlar ko'p kuzatiladi. Jumladan, tovon sohasining yorilishi barmoqlar orasida yiringli pufaklar hosil bo'lishi, gangrenalar uchrashini bunga misol qilib olishimiz mumkin. Suzish sport turi bilan muntazam ravishda shug'ullanish natijasida oyoqlar holati yaxshilanadi distrofik o'zgarishlar, atrofiyalarning oldi olinadi. Qon bosimini bir me'yorda ushlab uchun suzish sport turi

juda yaxshi vosita hisoblanadi. Hozirda Sog'liqni saqlash vazirligi va Jismoniy tarbiya va sport vazirligi tomonidan ishlab chiqilgan qarorga binoan qandli diabet bilan og'rigan insonlar, hattoki, karate sport turi bilan shug'ullanishi ham yaxshi samara berishi haqida ma'lumotlar keltirib o'tilgan.

Kun davomida ertalab va kechqurun bajariladigan jismoniy tarbiya mashqlarini olib borish hamda 9 – parhez stolini bemorlarga tushuntirib o'tishimiz lozim. Zero, shaxsan bemorning o'zi – o'ziga birinchi o'rinda yordam bera oladigan shaxsdir.


Tovon sohasi jarohatlari uchun Endokrinologiya ilmiy-tekshirish instituti xodimlar tomonidan maxsus mashqlar

majmui ishlab chiqilgan va kitobcha shaklida o'quv qo'llanma sifatida foydalanish uchun har bitta bemorga beriladi.

Shu o'rinda aytib o'tish lozimki, aholisi sog'lom yurtning kelajagi – buyukdir. Biz aholi genofondini yaxshilash, sog'lom turmush tarzini targ'ib qilib, kasallik yuzaga kelmasdan oldin tashviqot ishlarini olib borishimiz lozim. Mahalliy poliklinikalar bilan samarali aloqa o'rnatish aholi bilan kasallik tog'risida suhbat olib borish, kasallikning kelib chiqishi, simptomlari, ikkilamchi belgilari va uning og'ir oqibatlarini haqida davra suhbatini olib borishimiz lozim.

*A.M. Jabbarova
G.I. Ismoilova*

АБДУҒАНИ ИНОЯТОВДАН САВОЛЛАР...



Хурматли газетхонлар! Биз таҳририят ҳайъати билан келишган ҳолда рўзномамизда «Заковат билимдонлари» рукнини ташкил қилдик. Ушбу рукни «Абдуғанидан саволлар» сарлавҳаси остида бериб борамиз. Маълумки, Абдуғани Инояттов -институтимиз магистри, Республика телевидение орқали бериб борилган «Билмдон» кўрсатувининг мутлақ ғолиби ва «Заковат» ўйинининг совриндоои. Биз бу ҳақда ўз вақтида газетамизда мақолалар эълон қилганмиз. Қуйида Абдуғани Инояттов томонидан тақдим этилган саволларига мунтазам тўғри жавобларни биринчилар қаторида таҳририятимизга йўллаган талабалар Мустақиллик байрами арафасида институт томонидан совгалар билан тақдирланадилар.

Савол: Самарқандлик машҳур морбоз - Алишер Ёрматов ўз китобида шақилдоқ илон ва кобрани уларнинг бир хусусияти туфайли «мард» илонлар деб атаган.

Диққат савол: қандай хусусияти туфайли?

Савол: Катализатор нима эканлигини биласизлар. Кимёвий жараённи тезлаштирувчи, аммо ўзи унда иштирок этмайдиган модда. Хитой тилида бир фаолият билан шуғулланувчи аёлларни ифодаловчи иероглифлардан катализатор сўзини ифодалашда ҳам фойдаланилади.

Диққат савол: ўша аёллар шуғулланадиган ишни топиб беринг.

Савол: Эркин Воҳидовдан шеър:

Кўктеракка келдим соат ўнга кам бирга,

Мол бозорда ўзим билан ўн такам бирга.

Ўлар бўлсам ўлдим бу ўн така дастидан,

Сотвораман ўн такамни...

Диққат савол: нуқталар ўрнини икки сўз билан тўлдириг.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

Профессор-ўқитувчилар таркиби бўйича қуйидаги кафедралар лавозимларига
ТАНЛОВ эълон қилади:


ДОЦЕНТЛАР: Фасафа; Факультет ички касалликлари, ХДТ, касб касалликлари, госпитал ички касалликлари, ички касалликлари пропедевтикаси; Офтальмология, болалар офтальмологияси.

АССИСТЕНТЛАР: Факультет ички касалликлари, ХДТ, касб касалликлари, госпитал ички касалликлари, ички касалликлари пропедевтикаси; Физиология; 1-Госпитал педиатрия ноанавий тиббиёт асослари; Аллергология; Тиббий радиология; Топографик анатомия ва оператив хирургия асослари; Клиник фармакология; Микробиология; Эпидемиология, юқумли касалликлар; Патологик анатомия.

Танлов мuddати –эълон чиққан кундан 1-ой

Манзилгоҳ- Боғишамол кўчаси 223, Тош ПТИ. Автобуслар: 115,19

ТошПТИ бекати. 2019.24.04.

 <p>ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ МЕХНАТ ЖАМОАСИ НАШРИ ОРГАН ТРУДОВОГО КОЛЛЕКТИВА ТАШКЕНТСКОГО ПЕДИАТРИЧЕСКОГО МЕДИЦИНСКОГО ИНСИТУТА</p>	<p>Таҳрир кенгаши: Д.А. Асадов, А.В. Алимов, Х.Ф. Ҳайдаров, М. Аҳмедова, А.И. Искандаров, К. Ҳайтов, Т.С. Аъзамхўжаев, А. Валиев, А.А. Қудайбеганов, Б.М. Талжиев, С.С. Гулямов, Г. Усмонова Нашр учун масъул: Г. Ашурова</p>	<p>Бош муҳаррир: Б.Т. ДАМИНОВ Таҳрир ҳайъати: (<i>ишчи гуруҳ</i>) Э.О. Турсунов, К.Ш. Турдиева (Бош муҳаррир ўринбосари), А.М. Маннонов, Д.А. Аҳмедова, С.А. Бегмонов, А. Носиров, З. Каримова, А. Худайбердиев</p>	<p>Газета Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармасида 29.12.2006 йил 02-0010-сон билан рўйхатга олинган.</p> <p>Манзил: 700140, Тошкент-140, Боғишамол кўчаси, 223</p> <p>Cho'iron nomidagi NMIU техник ва дастурий воситалари базасида chop этилди. Манзил: Тошкент, 100129, Навоий кўчаси, 30. -бунюртма. Адади 100 нусха.</p> <p>Газета институт хисобидан нашр этилади ва bepул тарқтилади.</p>
--	---	---	---